



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2012 йил 7 март, № 47 (5467)

Чоршанба

Тухфа

Соғлом фарзанд ўстириш, унинг камолини кўриш ҳар бир ота-онанинг орзусидир. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, ана шундай эзгу ниятлар рўйи учун кенг имкониятлар эшиги очилди. Ёш авлодни жисмонан ва маънан баркамол этиб тарбиялаш, ўғил-қизларимизда спортга муҳаббат туйғуларини шакллантириш борасида ўтган йиллар давомида кўламини ҳамда аҳамияти жиҳатидан жуда улкан ишлар бажарилди. Айниқса, Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг тузилгани бунда муҳим аҳамият касб этаётди.

Шу кунларда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида спорт билан шуғулланаётган 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган ўқувчи қизларга Президент совғаси — спорт кийим-кечаклари топшириляётганлиги ҳам ана шу эътибор ва рағбат натижасидир.

Президент совғалари

Ёш спортчи қизларимизни ниҳоятда мамнун этмоқда

Қашқадарё

Спортчи қизларни тақдирлашга бағишлаб Қарши шаҳридаги “Геолог” спорт-соғломлаштириш марказида бўлиб ўтган тадбирда маҳаллий ҳокимлик ва жамоат ташкилотлари вакиллари, спорт устозлари, таълим муассасалари ўқитувчилари, ота-оналар иштирок этди. Унда сўзга чиққанлар мамлакатимизда

болалар спортини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ўзининг юксак самараларини бераётганини алоҳида таъкидладилар.

Шу кунни қашқадарёлик 25201 нафар қизга спорт кийимлари топширилди.

Тадбирда вилоят ҳокими Т. Жўраев иштирок этди.

Навоий

Бугунги кунда Навоий вилоятида ҳам жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланаётганларнинг 40 минг нафарини қизлар ташкил этади. Баҳор ва гўзаллик байрами арафасида спортнинг бадиий гимнастика, волейбол, баскетбол, стол тенниси, сузиш сингари турлари билан мунтазам шуғулланаётган қизлар, кам таъминланган оилалар фарзандларининг 5948 нафарига Президент совғаси — спорт кийимлари тухфа этилди.

Фаргона

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилганидан буён Фаргона вилоятида йиғирмадан ортиқ янги спорт иншооти ва 65 мактабда спорт заллари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Мазкур объектларда жисмоний машғулотлар билан шуғулланиш учун барча шарт-шароит яратилган. Ташкил этилган секцияларда қатнашаётган

ёшлардан 105 минг нафари 6-18 ёшгача бўлган қизлардир. Кунни кеча улардан 17342 нафарига Президент совғаси — спорт кийимлари тантинали равишда топширилди. Бундан ташқари, боқувчисини йўқотган ва давлат қарамоғида бўлган болалар муассасаларининг тарбияланувчи-қизлари ҳам юксак гамхўрликдан баҳраманд бўлдилар.

Наманган

Наманганлик спортчи қизлар учун Халқаро хотин-қизлар байрами эрта бошланди. Айём арафасида уларга Президент совғаси — спорт кийим-кечаклари топширилмоқда. Бугунги кунда вилоятда спорт билан шуғулланувчи ёшлар 221280 нафарни ташкил этса, улардан 101280 нафари қизлардир. Кунни кеча 16039 нафар қизга миллий менталитетимизга хос бўлган спорт кийимлари тантанали равишда топширилди.

А. МУҲАММАДИЕВ, А. ЗАРИПОВ, Н. СОБИРОВ, Қ. НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбирлари.

Тараққиётимиз истиқболга юксак ишонч

Жорий йилда мамлакатимизга жалб қилинадиган хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажми 16 фоизга кўпайиб,

3 миллиард 300 миллион АҚШ долларидан ошиши кутуллаяпти.

Мазкур маблағнинг 2 миллиард 300 миллион доллардан ортиғи ёки қарий 70 фоизини тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ташкил этади.

Бу эса чет эллик сармоядорларнинг иқтисодийтимизга нафақат қизиқиши, балки ишончи ҳам ортиб бораётганидан ёрқин далолатдир.

МЕҲРИБОН, ОҚИЛА, ФИДОЙИ



8 март — Халқаро хотин-қизлар куни

Аёл зоти тимсолида гўзаллик ва фидойилик фазилятлари мужассам. Бинобарин, юртимизнинг тобора чирой очиб, яшнаб бораётганида хотин-қизларнинг ҳам улкан ҳиссаси бор.

Мамлакатимизда аёлларнинг жамиятдаги роли ва мавқеи ошиб, мустақамланиб бориши баробарида, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида улар муносиб ўрин эгаллашаётгани Ватанимизда демократик тамойиллар қарор топаётганининг амалдаги ифодасидир.

Назокат Мақсудова (суратда) пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 53-оилавий поликлиникада ҳамшира бўлиб ишлайди. У ушбу даволаш муассасасининг малакали, фаол аъзоларидан биридир.

— Жамоамизда хотин-қизлар кўпчиликти ташкил этади, — дейди Н. Мақсудова. — Уларнинг барчаси бири-бири билан опа-сингилдек бўлиб кетишган. Фурсатдан фойдаланиб, ҳамкасбларимни, улар тимсолида барча мунис аёлларимизни, мўътабар онахонларимизни 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни билан самимий муборакбод этаман. Оқила, гўзал аёлларимизга кўрсатилаётган юксак эътибор туфайли улар оилаларда, қолаверса, бутун жамиятимизда муносиб обрў-эътибор қозонаяпти. Бунни юракдан ҳис этиб, эл-юрт манфаати йўлида меҳнат қилиш эса бизга ғурур ва ифтихор бахш этиши билан бирга, катта масъулият ҳам юклайди.



Ҳасан ПАЙДОВЕВ олган суратлар.

Модернизация — муваффақият гарови

Навоий вилояти юртимизнинг sanoat салоҳияти тобора юксалиб бораётган ҳудудларидан бири. Бугун бу ерда олтин, цемент, вольфрам, кимёвий ўғитлар, сунъий тола каби маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхоналар талайгина.

Дастур ижроси — амалда

Республикаимизда тайёрланаётган рангли ва қимматбаҳо металлларнинг 73 фоизи навоийлик sanoatchилар ҳиссасига тўғри келаётгани, Мурунтов комплекси олтин ишлаб чиқариш бўйича жаҳонда етакчи ўринларни эгаллаб тургани бунинг яққол далилидир.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда иқтисодийнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш борасида амалга оширилаётган ишлар натижасида вилоятда ана шундай салмоқли ютуқларга эришилмоқда.

— Истиклолнинг дастлабки йилларида

Навоийда атиги 110 та sanoat корхонаси фаолият юритган бўлса, — дейди вилоят иқтисодийёт бош бошқармаси бошлиғи ва-зифасини бажарувчи Жамшид Бобомуродов, — жорий йилга келиб, уларнинг сонини 1147 тага етди. Ушбу йўналишдаги ишлар самараси охиригитўрт йилда, айниқса, юқори бўлди. Негаки, мазкур муддат ичида вилоятимизда 500 дан ортиқ sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган янги корхоналар ишга туширилиб, 150 та корхонада 250 млрд. сўмлик модернизация тадбирлари амалга оширилди.

(Давоми 2-бетда).

Касаначилик: Ҳам иш ўрни, ҳам имтиёз

Бугун ўз касбу ҳунари билан эл орасида обрў-эътибор топаётган юртдошларимиз кўп. Зеро, истиқлол йилларида мамлакатимизда аҳолини иш билан таъминлаш, уларни ҳар томонлама ижтимоий муҳофаза қилишининг самарали тизими яратилди.

Фармон ва ижро

Масалан, ҳозир фарзанд тарбияси ёхуд уй юмушлари билан банд хотин-қизларимиз учун ҳам алоҳида имтиёзлар яратилган. Бу эса уларнинг рўзгоридан узоклашмай, касаначилик асосида меҳ-

нат қилиши ва даромад орттиришида кўл келмоқда. Яна бир эътиборли жиҳати, фаолиятнинг бу тури билан шуғулланаётганларга меҳнат дафтарчаси очилиб, улар корхона ишчилари билан тенг

ҳақ-ҳуқуқларга эга бўладилар. Шунини алоҳида қайд этиш керакки, касаначилик ривожига Президентимизнинг 2006 йил 5 январдаги “Йирик sanoat корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони муҳим дастуриламал бўлаётди.

(Давоми 2-бетда).



Таэквондочиларимиз совриндорлар сафида

Юртимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга қаратилган юксак эътибор туфайли вакилларимиз нуфузли халқаро мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб, Ўзбекистон номини улуғлашга ўз ҳиссаларини қўшишмоқда.

Хушхабар

Яқинда таэквондо (WTF) бўйича Германиянинг Гамбург шаҳрида ташкил этилган “Германия оупен — 2012” халқаро турнирида терма жамоамиз аъзоларининг эришган натижалари ҳам фикримиз тасдиғидир.

Дунёнинг 60 мамлакатидан 1100 нафар спортчи қатнашган ушбу мусобақада таэквондочиларимиз кўлга киритишди.

(Давоми 4-бетда).

Қисқа сатрларда

● Беруний туманилик Динора Ҳозалиева саъй-ҳаракати билан “Қиёт маъший хизмат” масъулияти чекланган жамияти фаолияти йўлга қўйилди. Айни пайтда ўнга яқин хотин-қиз иш билан таъминланган мазкур корхонада буюртма асосида бежирим кийим-кечаклар тайёрланмоқда.

● Термиз туманидаги “Элмурод Намуна” кўп тармоқли савдо-ишлаб чиқариш корхонасида бир йўла икки — алюминий профилдан эшик ва дераза ромлари ҳамда пардозлаш ашёлари тайёрлаш лойиҳаси амалга оширилди. Ҳозир бу ерда ойига 150 миллион сўмликча маҳсулот тайёрланиб, худуддаги қурилиш корхоналарига етказиб берилаяпти.

● “Нуроний” жамғармасининг Самарқанд вилояти бўлими қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда “Нуронийлар — оила таянчи” деб номланган жамоатчилик ҳаракатини бошлади. “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ва Мънавият тарғибот маркази вилоят бўлими вакиллари иштирокида жойларда турли учрашувлар ташкил этилиб, уларда оила мустақамлиги, ёшлар тарбиясига оид бир қатор масалалар бўйича ўзаро фикр алмашилмоқда.

● Қўрғонтепа туманидаги “Адолат тимсоли” фермер хўжалиғи раҳбари Илҳомжон Ниғматов банкнинг 100 миллион сўмлик молиявий кўмағига таяниб, сутни қайта ишлашга мўлжалланган замонавий технологик линияни ишга туширди. Ўнга яқин қўшимча иш ўрни яратилган ушбу корхонада йилга 185 тонна маҳсулот тайёрлаш имконияти мавжуд.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

«Олмалиқ кон-металлургия комбинати» ОАЖ меҳнат жамоаси

ташаккалотчи аёлларимиз баҳорини шик аёлми —

8 МАРТ

— Халқаро хотин-қизлар кунини белан сатимиз табрэклайди.

Бир қўлида дунёни, бир қўлида бешикни тебратаётган мунис оналаримиз, азиз опа-сингалларимиз — барчангизга баҳорий кайфият, меҳнат фаолиятингизда зафарлар, шахсий ҳаётингизда эса омад ва бахт ёр бўлишини тилаймиз!

«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК

ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотади.

(ҚҚС билан)

«Тошкент труба заводи» ҚК сизга шуни маълум қиладики, бизнинг корхона «API-5L» стандарти бўйича Ø325, Ø377, Ø426, Ø530, Ø630, Ø720, Ø820, Ø920, Ø1020, Ø1220, Ø1420, Ø1620 мм.гача, деворининг қалинлиги 6,0 — 24,0 мм. бўлган, электрпайвандланган, спирал чокли қувурлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди.

Қувурлар Х42 мустаҳкамлик гуруҳи бўйича ишлаб чиқарилади. Қувурлар 3845-65 ГОСТ бўйича гидравлик босимда синовдан ўтказилган.

Баҳоси — 1 тонна учун 3 950 000 сўм. Тўлов пул ўтказиш йўли билан.

2012 йилдаги эҳтиёжни йил чоракларига бўлиб беришингизни сўраймиз.

Телефонлар: (8-371) 241-31-72, 241-29-94. Факс: (8-371) 241-31-94.

ТАРОЗИЛАР

0,0001 гр дан 250 тоннагача

Micros
Ўзбекистондаги расмий ҳамкор

CAS
корпорацияси (Жанубий Корея)

МАССА-К
Акционерлик жамияти

Сертификатланган + Сифат + Кафолат + Сервис

- Кичик Бешёғоч кўчаси, 86 (Глинка кўчаси, олдинги шаҳар ГАИси қаршисида), тел.: (998 71) 281 4364, 281 4724, факс 281 4365;
- Тўйгепа кўчаси, 5 (Давлат поликлиника бекати), тел.: 232 0661, 236 0449, 233 6007;
- Беруний кўчаси, ("Тинчлик" метро бекати), тел.: 242 4252, 249 3950

www.micros.uz; e-mail: scales@ucd.uz, micros@ucd.uz

«KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ

бошланғич баҳоси боққичма-боққич охиб бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этиди!

Аукцион савдосига «ХДХ» МЧЖ тугатиш суд бошқарувчиси томонидан, Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 6 сентябрдаги 10-1110/10756-сонли ҳал қилув қарорига биноан банкрот деб эътироф этилган ҳамда кредиторларнинг 2012 йил 2 мартдаги 9-сонли йиғилиши қарорига асосан, «ХДХ» МЧЖга тегишли бўлган қуйидаги мол-мулклар савдога такроран қўйилмоқда:

1. Бектемир тумани, Хусайн Бойқаро кўчаси, 2-«А» уй манзилида жойлашган, қурилиши тугалланмаган «Восток» қаҳвахонаси биноси.

Бошланғич баҳоси — 216 518 000 сўм.

2. Бектемир тумани, Сувчи даҳаси, Хусайн Бойқаро кўчаси, 110-уй манзилида жойлашган савдо мажмуаси биноси.

Бошланғич баҳоси — 436 297 000 сўм.

3. Бектемир тумани, Чирчикбўйи кўчаси, 18-уй манзилида жойлашган база бинолари.

Бошланғич баҳоси — 830 309 000 сўм.

Аукцион савдоси Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир

Темур шоҳқўчаси, 16-«А» уйда 2012 йил 23 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аукцион якунлари савдо тугаган захоти савдо иштирокчиларига эълон қилинади.

Талабгорлардан аризалар мазкур хабарнома чоп этилган санадан бошлаб иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача савдо ташкилотчиси жойлашган манзилда қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2012 йил 20 март куни соат 18.00.

Аукцион савдосига қўйилган мулклар билан тугатиш бошқарувчиси иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Савдо голиби суд бошқарувчиси билан аукцион ўтказилган санадан 10 иш кунда олди-сотди шартномасини тузиши лозим.

Мазкур савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат келишувига асосан, объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатат пулини «KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Тошкент шаҳар филиали ОАИТБ «Ипак йўли» банкнинг «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204920609019, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

Манзил: Амир Темур шоҳқўчаси, 16-«А» уй.
Телефон: (8-371) 233-23-49, тугатиш бошқарувчисининг телефони: 700-36-55.
Расмий сайтими: www.1kms.uz

Лицензия: RR-0001.

«KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

бошланғич баҳоси боққичма-боққич охиб бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этиди!

Аукцион савдосига Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2010 йил 25 ноябрдаги 19-1006-03/13567-сонли қарори билан банкрот деб эътироф этилган «Ангор маҳсус сув дренаж» МЧЖ кредиторларининг 2012 йил 27 февралдаги 12-сонли йиғилиши қарорига асосан, тугатиш бошқарувчиси томонидан жамиятга тегишли қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

Сурхондарё вилояти, Ангор тумани, ат-Термизий кўчаси манзилида жойлашган, умумий ер майдонини 19280,0 кв.м. бўлган жамиятнинг бино ва иншоотлари мулкий мажмуа сифатида қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 339 074 059 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 22 март куни соат 11.00 да савдо ташкилотчиси — «KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиали жойлашган манзил (Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Ф. Хўжаев кўчаси, 32-уй, «Тадбиркорлар маркази» биноси)да бўлиб ўтади. Аукцион якунлари савдо тугаган захоти савдо иштирокчиларига эълон қилинади. Ушбу манзилда мулк ҳақидаги маълумотлар билан танишиш мумкин.

Талабгорлардан аризалар мазкур хабарнома чоп этилган санадан бошлаб иш кунлари соат 10.00 дан

16.00 гача савдо ташкилотчиси жойлашган манзилда қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2012 йил 20 март куни соат 18.00.

Юқоридаги мулк 2012 йил 22 мартдаги аукцион савдосига сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2012 йил 9 апрель куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2012 йил 6 апрель куни соат 18.00.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун ариза, закатат келишуви, закатат пули тўланганлик тўғрисидаги ҳужжат нусхаси, юридик шахсларнинг гувоҳнома ва таъсис ҳужжатлари нусхаси, жисмоний шахслар паспорт нусхаси, вакил иштирок этганда ишончнома тақдим этилади. Савдо голиби деб топилган шахсга 10 иш кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Суд бошқарувчиси томонидан мулклар учун тўловлар амалга ошириш шакли ва мuddати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

Мазкур савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатат пулини савдо кунига қадар «KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиалининг ОАТБ «Савдогарбанк» Музработ филиалининг Термиз шаҳар минибанкидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204920609017, МФО: 00336, СТИР: 207122519.

Телефон: (8-376) 227-57-94.
Расмий сайтими: www.1kms.uz

Лицензия: RR-0001.

Муҳтарам портдошлар! Сиз учун имконият!

«KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ сизларга мулкчилик шаклидан назар, барча турдаги кўчмас мулкларни, хусусан, ишлаб чиқаришга доир бино-иншоотлар ва тураржой биноларини оммавий савдога чиқаришда маслаҳат-консалтинг хизматларини кўрсатади ҳамда савдоларни қонуний ва сифатли ташкил этишда амалий ёрдам беради. Кўрсатилган хизматлар «KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг кўп йиллик тажрибага эга, малакали мутахассислари томонидан амалга оширилади.

«KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ сизнинг ишончли ҳамкорингиз бўлишини қадратаймиз.

